# ПУХТА РЕЖА – МУВАФФАҚИЯТ АСОСИ

**Мамлакатимиз давлат мустақиллиги ва эркин тараққиёт йўлига ўтар экан, кўп қийинчиликларни қадам-бақадам енга бориб, миллий иқтисодиётимизни бозор асосларига ўтказиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиб келмоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатини амалга ошира бориб, давлат шу йўл билан жамиятни юксак тараққий этган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш, одамларда ташаббускорлик ва мақсад сари интилиш қобилиятини уйғотиш, барча ишлар ҳамда бошланмаларда ижобий натижаларни қўлга киритишга интилмоқда.**

Зеро биз иқтисодиёт ва ижтимоий тараққиётта эришишни, фан ҳамда техника соҳаларида илғор мавқеларни эгаллашни истар эканмиз, гап ишлаб чиқариш ҳақидами кетадими ёки ўқиш ҳақидами, тиббиёт тўғрисидами ёки санъат тўғрисидами, бошқарув ҳақидаги ёки дипломатия хусусидами- ҳамма соҳада албатта ютуқларга эришмоғимиз зарур. Афсуски, буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан ва бирданига қўлга кирмайди. «Ҳолва» деган билан оғиз чучимаганидек, вазиятни ва ишдаги аҳволни тўғри тушунмай туриб, стратегик тафаккур ва истиқболни кўра билиш қобилиятига эга бўлмай туриб, бозор ҳаммамиз учун ҳаётда зарурат бўлган мўл-кўлчилик ва фаровонликни таъминлаб беролмайди. Бинобарин, ҳаёлимиздаги ўзига хос жаннатмакон мамлакатни барпо этиб бўлмайди.

Биз ўз иқтисодиётимиз тараққиётининг ўтмишдаги бир ёқлама, хом ашё устиворлиги йўналишидан сезиларли даражада узоқлашишга муваффақ бўлдик. Янги машиналар ва технологияларни яратишни ўрганиб бораяпмиз, кўпгина чет мамлакатлар билан фойдали ҳамкорликни йўлга қўяяпмиз. Бироқ, муҳим бир нарса- технологик тўсиқдан сира ҳам ошиб ўтолмаяпмиз. Яъни бозор шароитида хўжалик юритишнинг замонавий услубларини эгаллашнинг муҳимлигини ўзимизга қатъий сингдира олмаяпмиз. Натижада кўпчилик корхона раҳбарлари кундалик бошқарув ишлари билан, хом ашё ва ускуналарни сотиб олиш, маблағлар топиш ташвишлари билан ўралашиб қолаяпти. Охир-оқибатда бозор иқтисодиёти учун муҳим бўлган стратегик режалаштириш, молиявий бошқарув, бозор бўғинлари каби муҳим ишлар билан амалда шуғулланмайдилар ёки бу соҳаларга жуда суст эътибор берадилар.

Режалаштириш - бозор иқтисодиётига ёт тушунча дейдиганлар ҳали ҳам кўпчиликни ташкил этади. Лекин амалда - бундай эмас. Маъмурий-буйруқбозлик тизими капиталистик мамлакатларда режали иш юритиш хусусида бўлмағур уйдирмалар билан миямизни чалғитиб келди. Президентимиз таъкидлаганидек, хусусий мулкдан азроилни кўргандек қочардик. Бизнес, тадбиркорлик, хусусий капитал ва бошқа кўпгина шунга яқин тушунчалар капитализмга хос иллатли нарсалар сифатида одамларни чўчитарди. Ваҳоланки, бизнесменлар аллақачонлариёқ социалистик мамлакатларнинг амалий иш юритиш тажрибаларини ўзлаштириб, ҳар қандай иш фаолиятига режали ёндашиш заруратини тушуниб олишган, ҳеч қачон бирон-бир диққатта молик ишга пухта ўйланган режасиз киришмайдилар. Албатта, бунда гап мутлақо ҳаммамизга маълум ва машҳур «беш йилликлар» ёки план-қонунлар ҳақида кетмайди, зеро, улар ўзига хос бўлган. Алалхусус, у ёки бу корхона (фирма)нинг ўз фикри, ғоясини амалга ошириш ва шу асосда фойда олишга йўналтирилган режали ташкил этилган тадбирлари, ҳаракатлари тизимидан иборат бўлган бизнес-режа ҳақида мулоҳаза юритамиз. Мақсадли фаолиятдан, ишлаб чиқаришдан фойда олишга йўналтирилган бизнес режа амалда маънисиздир.

Яқинда иқтисодиёт университетида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда бошқа бир қатор масалалар қатори бизнесни режалаштириш муаммолари ҳам муҳокама қилинди. Анжуман иштирокчилари бизнес-режа мода кетидан қувиш бўлмай, балки ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, хизмат кўрсатиш тармоқларида ҳам зарурат тақозоси эканлигини таъкидладилар. Нуфузли маблағ эгалари ёки шериклар қўлларига пухта ишлаб чиқилган бизнес режасини олиб танишиб чиқмагунча бирон тадбиркор (корхона) билан учрашмайдилар ҳам, ҳеч бир ишга қўл урмайдилар ҳам. Шунинг учун ҳам бу ҳужжат эндиликда бир томондан ишлаб чиқаришни ривожлантириш вазифалари ва истиқболларини аниқ тушуниб олиш, ғоялар ва дастурларнинг мантиқийлиги ва асослилигини текшириб кўриш учун тадбиркорлар (корхоналар)га ғоят зарурдир. Иккинчи томондан эса, у банк эгалари, маблағ тикувчилар ва қарз берувчилар учун у ёки, бу лойиҳани рўёбга чиқаришга маблағ ажратишга асос бўлади. Бизнес-режа хатоларнинг олдини олади, корхонанинг оёққа туриши жараёнларини тезлаштириш, унинг даромадларини кўпайтириш ва таваккалчилик ҳавфини камайтириш имконини беради.

**Бизнес — клуб**

Кези келганда, иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ мамлакат компанияларида жадаллаштирилган дастурлар асосида ўқитиш учун Ғарбий Европа давлатлари корхоналаридан бир неча минг менеджерларни таклиф этганлигини эслатиш жоиз деб ҳисоблайман. Мазкур дастур бизнеснинг замонавий технологияларини жадал ўзлаштирилишини таъминлади ва у «Маршалл режаси» номи билан шуҳрат топди.

Собиқ Иттифоқ мамлакатларидаги корхоналар раҳбарларининг кўпчилиги урушдан кейинги Ғарбий Европа мамлакатларидаги ҳамкасбларига кўп жиҳатдан ўхшаб кетардилар: улар етарли даражада юқори билим ва бой тажрибага эга эдилар. Бироқ уларда халқаро миқёсда амалий тажриба йўқ эди. Айнан шунинг учун ҳам ҳозир МДҲ мамлакатлари,жумладан, Қозоғистон, кейинчалик эса Россия, Қирғизистон, Украина ва бошқалар учун «Маршалл режаси»ни янгидан тиклаш таклиф этилмоқда.

Мазкур интилиш бир қарашда, айниқса ҳануз социалистик ғоялар таъсиридан халос бўла олмаган ҳар бир рақам ёки кўрсатмани «юқори»дан олишга кўникиб кетган ташаббускорликдан кўра оддий ижрочилик қулай бўлган кишилар учун капитализмнинг «туғма доғ»ларини мажбурий сингдиришдай туюлади.

Ҳолбуки ҳозир кечаги давр эмас, раҳбарлик услублари ҳам ўзгарган. Тадбиркорлик тизимлари эркинлиги ва ташаббускорлигини бўғувчи маъмурий-буйруқбозлик услублари сезиларли даражада ортта сурилди. Бозор «юқори»дан белгиланадиган режаларни эндиликда сингдира олмайди, уни тўғридан-тўғри инкор этади.

Ҳозирги кунда қонун кучига эга бўлган режа эмас, балки бозордаги вазиятга қараб ҳамда истеъмолчиларнинг ҳали қондирилмаган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда доимий ўзгариб турадиган режа муҳим аҳамиятта молик. Шу билан бирга, у корхона, фирма ёки ташкилот томонидан миллий даромадни шакллантиришнинг асоси бўлган фойда олинишини назарда тутиши керак.

Бизнес-режа таркиби ва мазмуни ҳақида гапириб ўтирмай (бунинг ўзи алоҳида мавзу), бу ҳужжат ҳар томонлама асосланган ва амалда қўлланиш учун қулай бўлмоғи лозимлигини таъкидлаш билан кифояланамиз. Бунинг учун у ҳажм жиҳатидан ҳаддан ташқари катта бўлмаслиги ва ортиқча информациялар билан оғирлашиб кетмаслиги зарур. Шу муносабат билан бизнес-режа фақат корхона ёки фирманинг мулки бўлиб қолмасдан, айни пайтда кўпинча ишбилармон кишилар томонидан ҳам кўриб чиқиб, фойдаланиладиган ҳужжат эканлигини унутмасликни ҳам жоиз деб биламиз. Режа қанчалик юқори даражада асосли бўлса, унинг ҳаётийлиги ва амалга оширилиш имконияти шу даражада юқори бўлади. Бу ерда қабул қилинаётган қарорни иқтисодий асослаш иши фан ва амалиётта муайян тарздафойда келтириш мумкин, деб ўйлаймиз.

Албатта, бир корхонанинг бизнес-режаси бошқасиникига ўхшамаслиги мумкин. Лекин бундан масаланинг моҳияти ўзгармайди. Жаҳон амалиёти тажрибаси кўрсатишича, бунда шерик ёки маблағ эгасини топишни истаган корхона ёки фирма албатта ишлаб чиқаришнинг таклиф этилаётган ҳажмлари, унинг кўлами ва бозордаги салмоғи, маҳсулотнинг нархи, уни бозорга силжитиш йўсинлари, олинажак фойда ва бошқалар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши жуда муҳимдир. Масаланинг ишлаб чиқариш-молиявий қирраларидан ташқари улар фойда келтирадиган бизнесни йўлга қўйиш ва уни оқилона бошқариш имконини берадиган зарур кадрлар қуввати ва моддий заҳиралар мавжудлигига ўз шерикларини ишонтира олишлари керак.

Корхонанинг техник-саноат-молиявий режасини ишлаб чиқиш тартиби ҳали кўпчилик иқтисодчилар ёдидан кўтарилмаган бўлса керак. Унда режалаштирилган у ёки бу давр учун ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг иқтисодий, техник, молиявий ва бошқа масалалари белгилаб берилади. Корхона раҳбари томонидан тасдиқланган бундай режалар тузатишларга йўл қўйилмай, қатъий бажариб борилиши керак деб ҳисобланарди. Бундан фарқли ўлароқ, бизнес-режа «қатъий» бўлиши ҳам, «бузилмас» бўлиши ҳам ва айниқса «ҳар эҳтимол учун» ҳам бўлиши мумкин эмас.

Агар корхона ёки фирма фақат режани бажаришга қатъий амал қилиб, ташқи муҳит-истеъмолчилар талаби ва уларнинг тўлов қобилиятлари, рақобатчилари ҳаракатини, сиёсий барқарорлик ва бошқа омилларни ҳисобга олмаса, ишлаб чиқариш ва бизнес фаолияти натижалари муваффақиятли бўлиши қийин. Зеро бизнес-режа йўлига эмас, балки ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, бизнес соҳасида ҳам инқирозлардан сақланиш, йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш, янги мақсад ва вазифаларни қўйиш мақсадида корхона қувватини аниқлаш учун зарур. Эндиликда янгиликларни жорий этиш, валюта ёки пул билан қарз олиш, чет маблағларни жалб қилиш масалаларини бизнес-режасиз ҳал этишга ишониш қийин. У бошланган ишни баҳолаш ва уни барбод бўлишдан асрайди.

Бизнес-режанинг муҳимлигини таъкидлай туриб, уни ишлаб чиқишнинг масъулияти ва маълум даражада мураккаблигини ҳам айтмаслик мумкин эмас. Уни юқори профессионал даражада ишлаб чиқиш учун албатта биринчи навбатда юксак малака, кенг билим доирасига эга бўлган ҳамда бир қарорга кела оладиган ишбилармон кишилар керак. Зарур ҳолларда бошқа ташкилот, айниқса бизнес-режаларни тузишда тажриба орттириб қўйган ташкилотларни жалб этишдан ҳам кўз юммаслик лозим. Уни ишлаб чиқишда корхона (фирма) раҳбарининг шахсан иштироки ҳам муҳим аҳамиятта эга.

Чет мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, агар бизнес-режа бошдан-оёқ чет консультант томонидан ишлаб чиқилиб, раҳбар унга фақат имзо чеккани маълум бўлиб қолган тақдирда амалда барча банклар, инвестицион фирмалар ва бошқа муассасалар маблағ ажратишни сўраб берилган аризаларни кўриб чиқишни рад этадилар. Бундай режа, одатда, талабгорсиз қолади.

Айни пайтда бизнес-режага ҳар қандай балолар ва тасодифларнинг олдини оладиган «мўъжизавий халоскор» сифатида қараш ҳам унинг талабгори бўлмай қолишига олиб келади. Ҳар қандай режа, шу жумладан, бизнес-режа ҳам, агар у корхона ва унинг бизнесининг заиф ва кучли томонларини очиб бериш, корхонанинг объектив имконият қувватини унинг фаолият мақсади ҳамда унга эришиш стратегияси ва тактикасини ҳисобга олган ҳолда аниқлашга йўналтирилган бўлмаса кутилган натижани бермайди.

Яширишнинг ҳожати йўқ: бизнес-режани ишлаб чиқиш учун қилинган дастлабки ҳаракат бирданига муваффақиятли чиқмай қолиши ҳам мумкин. Бу - фожеа эмас. Бироқ уни ишлаб чиқиш ишини ўтмишдаги режалаштириш тажрибамизда бўлганидек номаълум муддатларга орқага сураверишяра майди. Зеро вақт бой берилиши билан ғоя эскиради, ҳомийлар ва қарз берувчилардан ажралиб қолинади, ишлаб чиқариш заифлашади. Бизнес-режа замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг муҳим воситаси бўлиб қолиши зарур. Бинобарин, «режа» сўзи эриш туюлмаслиги ва энг муҳими - ўтмишга қайтиш деб ҳисобланмаслиги керак.

**Э. МАҲМУДОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ишлаб чиқариш иқтисоди ва бизнес кафедрасининг мудири.**

## БИЗДАН СЎРАБСИЗ

### *Саволларга ҳуқуқшунос Мастура Ҳожиматова жавоб беради*

**2-гуруҳ ногиронiман. Ёлғиз пенсионерман. Мен каби пенсионерлар учун қонунда қандай имтиёзлар белгиланган? Шаҳар транспортида бепул юришим мумкинми?**

**З.РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**Навоий шаҳри.**

Амалдаги пенсия қонунига асосан ҳеч кими йўқ ёлғиз пенсионерларнинг пенсиясига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида қўшимча қўшиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан ҳар ойда меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминланадилар.

Маиший хизматлардан (электр қуввати, газ, сувдан) бепул фойдаланадилар.

Шаҳар транспортида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эгадирлар.

**Мен 10 йилдан буён пенсионерман, ишламайман. Дам олиш учун йўлланма беришларини сўраб ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этсам, навбат билан оласиз дейишди. 10 йилдан бери бирор марта ҳам йўлланма олмаганман.**
**Уларнинг жавоби тўғрими?**

**Г.АБДУРАИМОВА,**
**Тошкент шаҳри.**

Ишламайдиган пенсионерлар ариза ва тиббий маълумотномаларига асосан 2 йилда бир марта ижтимоий таъминот бўлими томонидан дам олиш учун йўлланма олишлари мумкин. Аризангизнинг мазмунига қараганда Сиз йўлланма ажратишларини сўраб, ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этиб навбатта турмагансиз.

Шунга кўра рад этишган. Навбатингиз келганда албатта Сиз йўлланма билан таъминланасиз.

**Мен уч нафар набирамга боқувчисини йўқотганлик пенсиясини оламан. Ўзим оёқ кийимлари фабрикасида ишлайман. 1996 йил 1 январдан бошлаб набираларим учун тўланаётган пенсия қанча миқдорда ва қаердан тўланади?**

**М.АБДУЛЛАЕВА,**
**Тошкент шаҳри.**

1996 йил 1 январдан бошлаб «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида»ги тартибга асосан Сизга набираларингиз учун тўланаётган боқувчисини йўқотганлик пенсияси 100 фоиз миқдорида ижтимоий таъминот бўлими орқали тўланади.

**Уруш даврида меҳнат қилган пенсионерман. Ҳозирги вақтда ишламайман. 1996 йил 1 январдан менга пенсия қаердан ва неча фоиз миқдорда тўланади?**

**Б.ҲАСАНОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

1996 йил 1 январдан бошлаб уруш даврида меҳнат қилган фуқароларга 100 фоиз миқдорида пенсия тўланади. Ишловчи пенсионерларга нафақа иш жойидан, ишламайдиган пенсионерларга эса ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўланади.

**Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини оламан. Агар ишга кирсам, менга пенсия қаердан ва қанча миқдорда берилади?**

**Б.ҲОШИМОВА,**
**Навоий вилояти.**

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи шахслар ишга кирсалар ёки ишлаётган бўлсалар, 1996 йил 1 январдан кучга кирган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида»ги тартибга асосан уларга пенсиялари хизмат жойидан, 50 фоиз миқдорида тўланади.

Сиз ҳам ишга жойлашсангиз худди шундай тартиб қўлланилади.

### *Навбатдаги саволларга ҳуқуқшунос Абдужалил Ҳасанов жавоб беради*

**Яқинда комбинатимиз ходимларидан бир неча киши штат қисқариши туфайли ишдан бўшатилди. Шулар қаторида мен ҳам.**
**Қарамоғимда икки ёш болам борлиги (улардан бири ногирон) инобатта олинмади.**
**Маъмурият тутган йўл тўғрими?**

**С.ТУРСУНОВ,**
**Андижон шаҳри.**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Қонунлари Кодексининг 197-моддаси талабларига кўра, ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёлларни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, 14 ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор ёлғиз оналарни ҳам маъмурий йўл билан ишдан бўшатиш мумкин эмас.

Бордию корхона (муассаса, ташкилот) бутунлай тугатиладиган бўлса, бундай ҳолда уларни албатта бшқка ишга жойлаштириш шарти билан ишдан бўшатишга йўл қўйилади.

Демак, Сизни ишдан бўшатишда хатоликка йўл қўйилган.

**Мен асосий хизматимдан ташқари маҳалла оқсоқолининг ёрдамичиси (котиби) вазифасида ҳам ишлайман. Шанба, якшанба кунлари ва ишдан кейин маҳалла ташвишлари билан банд бўламан. Аммо котиблик учун белгиланган иш ҳақининг ярми тўланаяпти. Шу тўғрими?**

**А.СОЛИҲОВА,**
**Тошкент шаҳри.**

Хатингизнинг мазмунига қараганда, Сизга ўриндошлик асосида ишлаётганлар қаторида ҳақ тўланаётган экан.

Амалдаги қоидага кўра қўшимча иш билан банд бўлган ходим ўша иш учун белгиланган вазифаларни тўлиқ бажараётган бўлса, у ҳолда ишнинг оқибатига яраша ойлик маошини ҳам тўлиқ олишга ҳақли.

Сизга ҳам ушбу қоида қўлланилиши мумкин.

**Биз ишлаётган корхона хўжалик ва молиявий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолди.**
**Айтингчи, бордию корхонамиз тугатиладиган бўлса, ишлаб чиқаришда шикастланганлик учун товон пули тўланадими?**

**А.СОАТОВ,**
**Самарқанд шаҳри.**

1994 йилда банкротлик тўғрисида қабул қилинган амалдаги Қонунга асосан тугатилган деб эълон қилинган корхонанинг мол-мулки савдосидан тушган маблағ биринчи навбатда алимент, пенсия ва нафақалар, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат, ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган эҳтиёжлари, экспертлар, аудиторлар, адвокат ва бошқа шахсларнинг кўрсатган хизматлари учун ҳақ тўлаш, шунингдек ишлаб чиқаришда шикасланганлик оқибатида етказилган зарарни қоплаш юзасидан билдирилган талабларни қондириш учун сарфланади.

## *Касаба уюшмаларида*

### МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ТУЗИЛДИ

Поп тумани ҳокимлигида агросаноат ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитасининг йиғилиши бўлди. Унда барча жамоа хўжаликлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси тасдиқлаган Низом асосида тумандаги барча тармоқ касаба уюшмаларини ягона раҳбарлик остида бирлаштириш ва мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш масаласи муҳокама қилинди.

Касаба уюшмалари Наманган вилоят кенгаши раиси ўринбосари Муборак Усмонова, туман ҳокими ўринбосари И.Алимов кун тартибидаги масала ҳақида сўз юритиб, юқорида тилга олинган Низомнинг 5-банди бўйича бошланғич касаба уюшмалари иш тартиби ўзгармаслиги, маблағлар ташкилотнинг ўзида қолдирилиши, агросаноат ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси баъзи муаммоларни ҳал этишда кенгаш ишига ёрдам беражағини таъкидладилар.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси раиси бўлиб ишлаб келган Азимжон Ибрагимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вазифасидан озод этилди. 139-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма (колонна) бошлиғи бўлиб ишлаб келган Меҳмонали Мирзатиллаев агросаноат ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси раиси ва раёсат аъзоси этиб сайланди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасида тегишли қарор қабул қилинди.

**Рустамали МАМАДАЛИЕВ.**

### МАОШ ОЛИБ ИШЛАЙДИЛАР

Шаҳар ва туманларда яқингача кўплаб йирик маиший хизмат корхоналари бор эди. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан бундай корхоналар юзлаб кичик шахобчаларга бўлиниб кетди. Уларда касаба уюшма ташкилотлари деярли йўқ. Бугунги кунда коммунал хўжалик, маиший хизмат соҳаларида талайгина муаммолар тўпланиб қолган.

Мавжуд аҳволдан келиб чиқиб, маиший хизмат уюшмалари ўзагида касаба уюшма тизимлари ташкил қилинаяпти. Бу эса тармоқ ишчиларини ижтимоий-иқтисодий муҳофазалашдаги ўзибўларчиликни бартараф этишга ёрдам беради, албатта.

- Бугунгача вилоятдаги барча туман ва шаҳарларда маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмиталарини туздик, - дейди маҳаллий мебель саноати, коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят қўмитаси раиси Р.Искандарова. - Қўмита раислари маош олиб ишлайдилар. Бу эса уларнинг фаолияти самарали бўлишига имкон беради.

**Шиҳназар АҲМЕДОВ.**



Дастурхонингизни қиш чилласида ҳам сифатли, турфа нознеъматлар безаб туришига не етсин! Наманган туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалигининг 8 гектарли иссиқхонасида бўлганингизда беихтиёр ана шу фикр хаёлингиздан ўтади. Миришкорлар маҳсулот мўл-кўллиги йўлида астойдил меҳнат қилдилар. Айни кунда иссиқхона хўжалигида ғарқ пишиқчилик. Бодринг, помидор, лимон, турли хил ош кўклар йиғиштириб олиниб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. 114 кишилик жамоа аъзоларининг ғайрати баланд. Улар бу йил 512 тонна маҳсулот етиштиришни дилга тугишган.

**Суратда: иссиқхона хўжалиги раҳбари Ш.Нуриддинов соҳибкорлар даврасида.**

**П.АКБАРОВ олган сурат.**

## *Тадбиркорлик*

# ТАЪМИНОТ ЯХШИ БЎЛСА...

**Қурувчиларга қувват берадиган, ишларини жадаллаштирадиган асосий манба бу хом ашё сероблигидир. Ўзбекистон сув хўжалиги концернига қарашли Косон савдо-тайёрлов идораси бу борада хайрли ишларни амалга оширмоқда. Корхонани ташкил этишдан асосий мақсад «Қаршиқурилиш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ихтиёридаги 70 дан ортиқ ва Косонда иш олиб бораётган «Баҳористончўлқурилиши» тресті тасарруфидаги ўндан ортиқ қурилиш идораларини узлуксиз хом ашё билан таъминлаш, уларда ишловчиларга ҳамма турлар бўйича намунали савдо хизмати кўрсатишдан иборат.**

Ҳошим Очилов бошлиқ таъминотчилар дастлабки йиллдаёқ жойлардан шартнома ва мол айирбошлаш йўли билан 3,5 миллион сўмлик маҳсулотларни келтириб, тарқатишга улгуришди. Таъминот изга тушиб кетгач, Ҳошим Очилов зудлик билан ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишга киришди. Намангандаги шойи тўқиш фабрикаси билан ҳамкорликда атлас тўқиш цехи барпо этилди. Шундай қилиб, косонлик атласчилар дастлабки йилнинг кейинги ойларида 1 миллион 100 минг сўмлик харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришга мушарраф бўлишди.

Қурилиш материаллари таъминоти соҳасидаги кўрсаткичлар ҳам чакки эмас. Чунончи ўтган йилнинг тўққиз ойида 9 миллион 593 минг сўмлик хом ашё келтириб тарқатилди ва 748 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шундай қилиб, тўққиз ойда жами 10 миллион 341 минг сўмлик иш бажаришга эришилди.

Бугунги кунда идора қошида ташкил этилган атлас тўқиш, оҳак пишириш, ғишт ишлаб чиқариш цехлари бир маромда фаолият кўрсатмоқда.

-Худди шундай бўлаяпт - дейди Ҳ.Очилов. — Цехларимиз ҳам, одамларимиз ҳам бекор туриб қолишаётгани йўқ. Ишларимиз ва режаларимиз жуда кўп. Қимирлаган қир ошар, деганларидек қимирлаб турган кам бўлмайди. Лекин бу ёғи Россиядан тортиб, у ёғи Қозоғистон у яна аллақанча мамлакатларни кезиб, маҳсулот топиб келишниям ўзи бўлмайди. Бир амаллаяпмиз. Бу юмушлар билан 27 кишилик жамоамиз аъзоларининг ҳаммаси бирдек шуғулланишади, корхона манфаати учун ҳамма бирдек жон куйдиради. Шунинг учун ҳам дастлабки йилдаёқ устама нарх ҳисобидан 472 минг сўм соф фойда кўришга эришдик. Бу йил 1 миллион сўм фойда олишни мўлжаллаб турибмиз. Шу ҳисобдан идорамиз қошида савдо дўкони, ишчилар учун ошхона ва чойхона қуришни, ишловчиларнинг маошларини ошириб, пул мукофотлари, дам олишга борувчиларга бепул йўлланмалар беришни мўлжаллаб турибмиз. Ўтган йили Косон шаҳрининг Сарипул маҳалласида яшовчи боқувчиси йўқ бир оилани қарамоғимизга олгандик. Бу йил яна шундай оилалардан бирига оталиқ ёрдами кўрсатмоқчимиз.

Бундан ташқари, ходимларимизни бозор иқтисоди тақчиллікларидан ҳимоя қилиш мақсадида бу йил Косон туманидаги Бобур номли жамоа ширкат хўжалиги ҳудудидан шартнома асосида 10 гектар ер олиб, буғдой, пиёз, сабзи, қовун-тарвуз ва помидор эккандик. Олинган ҳосилнинг бир қисмини ходимларга улашиб, қолганини давлатта сотдик. Деҳқончилик ишлари билан асосан Мустафо Мусаев, Шоназар Мусаев, Эркин Шониёзовлар шуғулланишган бўлса, дам олиш кунлари бошқалар ҳам уларга кўмакдош бўлишди.

Илғорлар ҳақида гап кетганда Мунира Алматова, Байрамали Боборажабов, Равшан Самариддинов, Очил Шарипов, Файзулла Хайруллаев, Аҳадулла Самариддинов, Очил Шариповларнинг номларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Уларнинг фидойи меҳнатлари эвазига бир кунда 500 килодан ошиқ оҳак тайёрланиб, сифатли ғишт, безакли плиталар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонамизда тўқилаётган атлас харидорларга манзур.

Меҳнатта яраша моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлга қўйилган. Ҳар бир ишловчимиз ҳозирда ойига ўртача 1700 сўмдан 2500 сўмгача маош, ҳар чоракда мукофот пули олиб турибди. Ҳар ойда маълум миқдорда бепул пиёз, совун ҳамда бошқа маҳсулотлар бериб бораяпмиз.

Дарҳақиқат, Косон савдо-тайёрлов идораси иқтисодий тараққиёт сари дадил қадам ташлаяпти. Жамоа етакчиси Ҳошим Очилов ўтган йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган биринчи республика тадбиркорлар кенгашида делегат сифатида қатнашиб, ишбилармонлик соҳасидаги намунали фаолияти учун республика «Ўзтадбиркорбанк» бошқарувининг мукофоти билан тақдирланди.Бундан руҳланган Ҳошим Очилов ва у бошлиқ таъминотчилар янада зўр ғайрат билан иш олиб боришаяпти. Қурилиш идораларининг талаб эҳтиёжини қондириш, уларнинг бир маромда ишлашини таъминлашда жамоа аъзоларининг ҳиссаси катта бўлаётир.

**Н.ТОҒАЕВ,**
***Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.***

# ДЕҲҚОННИНГ ҚИШКИ ҲОРДИҒИ

**Мазмунли ҳордиқ — унумли меҳнат манбаи. Дарҳақиқат, қаердаки меҳнат кишиси учун етарли шарт-шароит яратиб берилар экан, ўша ерда муваффақиятларга эришилаверади. Наманган вилоятида бу масалага муҳим эътибор бериб келинмоқда. 1996 йилда деҳқонларнинг қишки ҳордиғини ташкил этиш юзасидан қандай тадбирлар амалга оширилади?**

**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасининг раиси Иброҳимжон МИРЗАРАҲМАТОВ бу ҳақда қуйидагича ҳикоя қилади:**

— Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга интилаётган вилоятимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари 1995 йилни барча соҳалар бўйича муносиб меҳнат ютуқлари билан якунладилар, десак муболаға бўлмайди. Фарғона водийсида иккинчи бўлиб, мамлакат миқёсида биринчилар қаторида пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган режани адо этдик. Ҳар қачонгига қараганда энг кўп дон тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг табригини олишга муяссар бўлдик.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, биз ёз жазирамаси ва куз инжиқликлари, бозор иқтисоди қийинчиликларига қарамасдан пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун жонини жабборга бериб курашаётган соҳа ходимлари саломатлигини тиклаш ҳамда мустаҳкамлаш масаласига катта аҳамият бериб келмоқдамиз. Масалан, ўтган йилда шу мақсадлар учун 3 миллион 110 минг сўм маблағ сарфланди. Фарғона водийсида ўз географик ўрни, гўзал ва мафтункор табиати билан ажралиб турадиган вилоятимиз дам олиш уйлари, санаторий ва профилакторийлари қиш ойларида мўл-кўлчилик ижодкорларига ажратиб берилди. Бинобарин, ўтган қишлоқ хўжалик мавсумида қўлга киритилган ютуқларда меҳнат кишисига кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик муҳим аҳамият касб этганлиги шубҳасиз.

Шу боисдан биз бу йил ҳам фуқаролар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим қирраси эканлигини назарда тутган ҳолда иш олиб бораяпмиз. Ўтган қишлоқ хўжалик мавсуми якунланганидан сўнг вилоят ҳокимлиги билан касаба уюшмалари вилоят кенгашининг шу масала юзасидан қўшма қарори эълон қилинди. Қарорга кўра илғор механизаторлар, бригада бошлиқлари, теримчи ва сувчилар, боғбон ва ғаллакорлардан иборат 1380 кишини соғломлаштириш, бошқачасига айтганда, бепул йўлланмалар билан таъминлаш тадбирлари белгиланди. Бу кўрсаткич 1995 йилдагига қараганда салкам 500 кишига кўпдир. Агар бултур қишки соғломлаштириш мақсадларига суғурта маблағларидан 3 миллион 110 минг сўм сарфланган бўлса, 1996 йилда ушбу йўналишдаги режалар учун икки баробардан кўпроқ ёки 8,5 миллион сўм пул харажат қилиш кўзда тутилган.

Халқ саломатлиги жамиятимизнинг катта бойлигидир. Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Тармоқ ходимлари ўртасида йўлланмаларга бўлган талабни чуқур ўрганиб чиқдик. Хулоса шу бўлдики, аксарият даволанувчилар ошқозон-ичак, ҳаракат аъзолари, асаб тизими хасталиклари билан оғришган. Бинобарин, шу йўналишдаги санаторий ва профилакторийларга кўпроқ йўлланмалар ажратилишига эътибор қаратилди. Даволанувчилардан 1250 нафари вилоятимиз ҳудудидаги санаторий ва профилакторийларга жалб этилаётган бўлса, 244 нафар қишлоқ хўжалик ходимлари республикамизнинг марказий даволаш ва ҳордиқ чиқариш шаҳобчаларида муолажа оладилар. Йўлланмалар қийматининг 80 фоизи жамоа хўжаликлари, қолган 20 фоизи эса хўжалик органлари фонди ҳисобидан қопланади. Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманлари тегишли маблағларни ўз вақтида ўтказиб бераяптилар. Тўрақўрғон ва Янгиқўрғон туманларида бу иш аллақачон ниҳоясига етди. Косонсой туманидаги Шароф Рашидов номли, «Қуқимбой», «Косонсой», «Деҳқонобод», Чортоқ туманидаги «Москва», Алишер Навоий номли, «Ўзбекистон», Ҳамид Олимжон номли хўжаликларнинг касаба уюшма қўмиталари даволанишга муҳтож қишлоқ хўжалик ходимларини аниқлаб, йўлланмаларни ўз вақтида тарқатишга ва белгиланган жойларга юборишга муваффақ бўлдилар.

Соғломлаштириш тармоқларининг фаолияти вилоят, туман ҳокимликлари, касаба уюшма қўмиталарининг доимо диққат марказида. Жумладан, «Ниҳол», «Шаҳанд» санаторийлари, «Атлас», «Облгаз» санаторий-профилакторийларида даволанувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Бу жойларда мириқиб ҳордиқ чиқариш, саломатликни тиклаш юзасидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Даволаш хоналари, ванна, ётоқхона озода ва тартибли. Таомлар тўйимли, мазали. Вилоятдаги мавжуд санаторий-профилакторийларни керакли озиқ-овқат заҳиралари билан таъминлаш ҳокимликлар ва касаба уюшма қўмиталарининг қатъий назорати остига олинган. Умуман, мўл-кўлчилик ижодкорларининг кўнгилли ҳордиқ чиқариши ва етарли куч-ғайрат тўплашлари учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқдаки, булар олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришда муҳим омил бўлади, деб ишонамиз.

**«ИШОНЧ» мухбири**
**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ**
**ёзиб олди.**

